



## FEATURES OF THE DEVELOPMENT OF MODERN TOURISM IN UZBEKISTAN

**B.B. Valiev**

Associate Professor

International Islamic Academy  
Tashkent, Uzbekistan

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** tourism, tourism potential, transport logistics, marketing concept, MICE tourism, corporate meeting, presentations, conversations.

**Abstract:** The article is devoted to the features of the development of modern areas of tourism in the national economy. It provides information on tourism reforms in Uzbekistan and the development of MICE tourism.

**Received:** 02.06.22

**Accepted:** 04.06.22

**Published:** 06.06.22

## ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲУСУСИЯТЛАРИ

**Б.Б. Валиев**

Доцент

Халқаро ислом академияси  
Тошкент, Ўзбекистон

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** туризм, сайёҳлик салоҳияти, транспорт логистикаси, маркетинг концепцияси, MICE туризм, корпоратив учрашув, тақдимотлар, сухбатлар.

**Аннотация:** Мақола миллий иқтисодиётда туризмнинг замонавий йўналишларини ривожлантириш ҳусусиятларини очиб беришга бағишиланган. Унда Ўзбекистонда туризм йўналишидаги ислоҳотлар ва MICE туризмини ривожлантириш йўналишлари бўйича маълумот берилган.

## ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ СОВРЕМЕННОГО ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ

**Б.Б. Валиев**

Доцент

Международная исламская академия  
Ташкент, Узбекистан

## О СТАТЬЕ

<b>Ключевые слова:</b>	туризм, туристический потенциал, транспортная логистика, маркетинговая концепция, MICE-туризм, корпоративная встреча, презентации, беседы.	<b>Аннотация:</b>	Статья посвящена особенностям развития современных направлений туризма в народном хозяйстве. В нем представлена информация о реформах туризма в Узбекистане и развитии MICE-туризма.
------------------------	--	-------------------	--

### КИРИШ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг янги босқичида, “Янги Ўзбекистон” иқтисодий ислоҳотларининг ўзига хос ҳусусияти сифатида туризмни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2019 йил 18 июлда қабул қилинган 549-сон “Туризм тўғрисида”ги қонун ҳам юртимизда туризм соҳасидаги муносабатларни тартибга солади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли Фармони, “Ўзбекистон Республикасининг сайёхлик салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 3 февралдаги ПҚ-3509 сон Қарори, “Ички туризмни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 7 февралдаги ПҚ-3514 сон Қарорлари мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистон туризмда рақобатбардошликни ошириш орқали хўжалик юритувчи тегишли субъектларнинг экспорт салоҳиятини кўтариш давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишда интеграциялашган маркетинг концепсияси устувор йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони билан қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”даги «принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш» бўйича вазифаларнинг белгилаб берилганлиги халқаро сайёхлик бозорларида маркетинг фаолияти миллий сайёхлик корхона ва ташкилотларининг жаҳон бозорларида рақобатбардошликни эгаллашга қаратилган самарали фаолиятининг асосий механизми сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистон турли миллат, дин ва маданият вакиллари яшайдиган мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллаган бўлиб туризм индустриясида ўз ўрни ва салоҳиятига эга давлатлардан бири ҳисобланади. Юртимиз замонавий архитектура ва юқори технологик

тараққиёт билан уйғунликдаги бой тарихий меросга эга. Шу билан бир қаторда Ўзбекистонда туризм ривожланишининг муҳим омилларидан бири ташкилий-иктисодий механизмларнинг халқаро ҳуқуқий нормалар билан уйғунлиги ҳамда юртимизда халқлар, миллатлар, динларнинг ўзоро тотувлиги, бағрикенглиги ва ҳамжихатлигининг устиворлигидадир.

Бугунги кунда туризм индустряси тез ривожланаётган тармоқлардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Бу соҳа катта инвестисияни талаб қилмасдан юқори даромад олиш мумкин бўлган соҳалардан биридир. Мутахассисларнинг фикрига кўра, туризм XXII асрнинг энг даромадли соҳасига айланиши кузатилмоқда. Сўнги маълумотларга кўра туризм индустряси дунё бўйича автомобилсозлик ва нефтни қайта ишлаш соҳасидан кейин учинчи ўринни эгаллаб келмоқда. Туризм индустрясининг ривожланиши катта илмий тадқиқот харажатларини ҳамда юқори қийматли технологияларни талаб қилмайди.

Аксинча, туризм транспорт логистикаси, алоқа ва ахборотлар логистикаси, озик-овқат, меҳмонхона, савдо-сотик, ҳунармандчилик, қурилиш ва бошқа кўплаб хизмат турларини ҳам ривожланишига туртки бўлади. Бундан ташқари, мамлакат ташқи қиёфасини замонавийлаштиришга, меҳмонхона ва ресторон индустрясини ривожлантиришга ҳамда транспорт-коммуникация тизимлари каби кўплаб тармоқлар ўртасидаги алоқаларни шакиллантиришга салмоқли ҳиссасини қўшади.

Туризмнинг глобал ривожланиши дунё мамлакатларининг интеграциялашуви ҳамда уларнинг ўзаро муносабатларини фаоллаштиришда энг ишончли ва энг мустаҳкам ташкилий-иктисодий тизим сифатида ўрин эгаллайди. Туризм ривожланиши деярли барча соҳаларга ижобий таъсир кўрсатиб мамлакатлар иктисодиётининг динамик тарзда ўсишига олиб келади. Шунингдек, соҳага киритилаётган сармоя қисқа фурсатда ўзини оқлаши, туристик компаниялар имкониятлари кенгайиши ҳамда юқори фойда олиш мумкинлиги соҳага жалб қилинаётган инвестициялар ҳажмини оширади.

Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш мақсадида туризм брендлари асосида рақобатбардош миллий туристик маҳсулотни яратиш ва жаҳон туризм хизматлари бозорига олиб чиқишида интеграциялашган маркетинг коцепциясининг ишлаб чиқилиши соҳанинг ривожланишига хизмат қиласди. Биламизки, қадимда турли минтақаларнинг ўзаро иктисодий-маданий, диний, ижтимоий муносабатларида зиёрат туризмининг ўрни ўзига хос ахамиятга эга бўлган.

Бу ўз навбатида худудлар ўртасида иктисодий муносабатларни ҳамда давлатлар ўртасида ахборот ва маълуотларнинг алмашувини таъминлашга хизмат қилган. Шу билан бир қаторда маданий қадриятларнинг ривожланишида асосий восита вазифасини бажарган. Қитъалар ва давтатларнинг интеграциялашуви натижасида сивилизациялараро мулокот учун қулай шарт-шароитлар вужудга келган ва ривожланиб борган. Бугунги кунда туристик

брендни шакллантириш ва халқаро бозорларга олиб чиқиши орқали иқтисодий ривожланишга, диний-маърифий, таълим ва маданият соҳаларида халқларнинг, динларнинг, миллатларнинг ҳамжихатлиги ва ўзаро бағрикенглигини таъминлашга хизмат қилади. Шу билан бир каторда иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, савдо ва инвестиция соҳаларинда қулай шароитлар яратиш, транспорт ва коммуникация инфратузилмаларини ривожлантириш хамда илмий тадқиқот марказларининг ҳамкорлигини таъминлайди.

Жаҳон иқтисдиётида шиддат билан ўсиб бораётган рақобат шароитида туристик брендни яратиш ва интеграциялашган маркетинг концепциясидан самарали фойдаланиш орқали халқаро бозорларда улушимишни оширишни тақозо этади.

Халқаро туризм индустряси бозорларида амалга оширилаётган маркетинг фаолиятига оид тадбирлар туризми маркетинг хусусиятлари доирасида амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда зиёрат туризмини ривожлантириш учун соҳанинг ўзига хос хусусиятларини илмий жиҳатдан таҳлил қилиш ва тадқиқотлар олиб бориш натижасида туристик брендни яратиш ва уни халқаро туризм бозорларига олиб чиқища интеграциялашган маркетинг концепсиясини амалга ошириш ва такомиллаштириб бориш талаб этилади.

Мамлакатимизда зиёрат туризми соҳаларида замонавий маркетинг концепсияларидан фойдаланиш борасида кенг кўламли ишлар ва чуқур ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, ташкилий-иқтисодий механизmlарни ва самарали маркетинг тадқиқотларини жадал олиб бориш, ички бозорни ҳимоя қилиш, ривожлантириш ва ташки бозорларга кириб боришга, эгаллашга йўналтирилган маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиши, ички бозордаги инфратузилмаларни, рақобатбардошликни оширишдаги бугунги кундаги муаммолар ва ишлатилмаётган имконият ва захираларни чуқур таҳлил қилиш асосида маркетингнинг тамойиллари амалиётга жорий қилинмоқда.

Ўзбекистонда туризмнинг устувор йўналишлари қаторида MICE туризмини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда. MICE (инглизчада, Meetings, Incentives, Conferences, Exhibitions) туризми бу туризм индустрясининг соҳаси бўлиб, турли корпоратив тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқдир. У 4 та асосий йўналишни ўз ичига қамраб олади: meetings - корпоратив учрашувлар, тақдимотлар, сухбатлар, incentives – рағбатлантирувчи ёки мотивация берувчи турлар ва дастурлар, тимбилдинглар, персонални ўқитиши, корпоратив байрамлар, conferences - конференциялар, конгреслар, съездлар, форумлар, семинарлар ва б., exhibitions-кўргазмалар, имидж тадбирлари (фестиваллар, хайрия концертлари), PR-тадбирлар и пресс-турлар.

Мамлакатимизда ҳам, “2019-2025 йилларда Ўзбекистонда конференция, форум, конгресс, кўргазма, семинар ва анжуманлар (MICE) туризмини ривожлантириш бўйича

концепция” лойиҳаси ҳам Норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мухокамаси порталига жойлаштирилди. Унга кўра “Ўзбекистон конгресс ва кўргазма” марказини ташкил этиш режалаштирилиб, Марказнинг асосий вазифалари этиб конгресс ва кўргазмалар ўтказиш имкониятига эга бўлган обьектлар реестрини юритиш, улар билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари реестрини юритиш, уларнинг ташкилотчилари фаолиятини мувофиқлаштириш, мамлакат қиёфасини ижобий тарзда тарғибот қилиш, халқаро ташкилотлар ва йирик компаниялар томонидан тадбирларни ўтказиш бўйича эълон қилинадиган тендерларда қатнашиш ва бошқалар.

Сингапурдаги таниқли молиячи ва ижтимоий арбоб, бир неча йирик бизнес асосчиси, туризм ва молиявий компаниялар раҳбари, жумладан «Citystate Capital Asia» молиявий директори, Pegasus Travel Management ва Kinetica асосчиси ва раҳбари ҳисобланган Филлип Тан Ўзбекистоннинг MICE-туризм элчиси этиб ҳам тайинланган. 2018 йилда Сингапурдан Ўзбекистонга сайёҳлик сафарларининг умумий ҳажми 60% га ошган бўлиб, Сингапур ишбилармон доиралари Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар динамикасини қизиқиши билан кузатмоқда.

Жаҳонда 2017 йилда саёҳлик саноатида MICE туризмининг улуши 22,5 фоизни ёки 1,2 трлн. доллардан ортиқни ташкил этди. Бутунжаҳон сайёҳлик ва туризм кенгашининг (WTTC) маълумотига кўра, 2025 йилга бориб, MICE туризми бозорининг умумий ҳажми 1,67 трлн. долларга етиши кутилмоқда. Алоҳида қайд этиш жоизки, авиакомпания даромадларининг 50 фоизига яқини, меҳмонхона даромадларининг 60 фоизи ва автомобиль воситаларини ижарага берувчи компанияларни даромадининг 70 фоизи туристларнинг ушбу тоифасига хизмат кўрсатишдан олинган даромадларга тўғри келмоқда. MICE туризм йўналиши бўйича энг машҳур ҳисобланган давлатлар қаторида Pacific World Destination Index маълумотига кўра АҚШ, Франция, Испания, Монако, Индонезия ва Тайландни санаб ўтиш мумкин. Халқаро конгресс ва анжуманлар уюшмаси маълумотига кўра 2017 йил давомида 168 та мамлакатда 1258 та корпоратив тадбирлар ташкил этилган. Ушбу ҳамкорлик тадбирларининг асосий қисми АҚШ, Германия, Англия, Испания ва Италия худудларида бўлиб ўтган.


MICE туризмининг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги мухим аҳамиятини эътиборга олган ҳолда, Грузия, Россия, Белоруссия ва Германия давлатларининг сайёҳлик ва маҳаллий бошқарув органлари қошида MICE туризмига ихтисослаштирилган ташкилотлар тузилган. Жумладан, Грузия миллий туризм администрацияси тузилмасида Грузиядаги хорижий сайёҳлик туризми хақида маълумот тарқатувчи кўргазма ва шунга ўхшаш халқаро тадбирларни ўтказиш билан шуғулланувчи MICE туризмини ривожлантирувчи Конвенцион ва кўргазмалар бюроси ташкил этилган. Жаҳоннинг бошқа

мамлакатлари Озарбайжон, Туркия ҳамда Кипрда MICE туризмини ташкил этишга мўлжалланган муассасалар давлат-хусусий шерикчилик сектори ҳамкорлигига ҳам фаолият олиб борадилар.

## ХУЛОСА

Чет эл мамлакатлари тажрибасини тадқиқ этиш шуни кўрсатадики, мамлакатимизда MICE туризмини ривожлантириш учун ихтисослаштирилган конгресс бюролари, кўргазма марказлари ва MICE тадбирларини ўtkазиш майдонларини самарали ташкил этиш лозим. Улар давлат ва хусусий шаклларда фаолият юритишлари мумкин бўлиб, давлат уларни мунтазам равишда қўллаб-кувватлайди ва ушбу фаолиятни маҳсус бўлинмалар ёки давлат-хусусий шерикчилик секторини яратиш йўли билан мувофиқлаштириб боради.

Глобал миқёсда MICE туризми ҳажми 2019 йилда 916,1 млн. долларни ташкил этиб, 2030 йилгача ушбу кўрсаткич 1,78 млрд. долларга етиши прогноз қилинмоқда. Жаҳонда MICE туризмининг жадал ривожланишига глобал корпоратив секторнинг кенгайиши, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиш тадбирларининг қўпайиши, кичик ва ўрта бизнеснинг ошиб бориши, глобал туризмнинг кучайиши каби омиллар сабаб бўлган (1-



расм).

**1-расм. 2019-2030 йилларда MICE туризми даромадлари ҳажми, млрд. доллар**

Мамлакатимизда MICE туризмини ривожлантиришда қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:

MICE туризмини ривожлантириш бўйича стратегия ва чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиши, мамлакатда MICE туризми тадбирларини ўtkазиш учун устувор ҳудудлар ва мамлакатларни аниқлаш;

MICE туризми тадбирларининг йўналишларини аниқлаш, мамлакатнинг миллий брэндини ишлаб чиқиш, Ўзбекистон ва хорижий давлатлар ташкилотлари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш.

мамлакатнинг худудларидағи мавжуд имкониятларидан келиб чиқкан ҳолда Ўзбекистон бозорига маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этиш;

мамлакатда MICE туризмини ривожлантириш билан боғлиқ алоҳида давлат муассасаси ташкил этиш.

MICE туризмини ривожлантириш учун мамлакатнинг худудларида зарур инфратузилмаларни яратиш. Шу жумладан:

Халқаро конгресс ва конференция ассоциацияси (International Congress and Convention Association, ICCA) билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйиш ва мамлакатдаги MICE туризмидаги иштирок этувчи ташкилотларни ICCA веб-сайтида рўйхатдан ўтказиш ва б.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. <https://regulation.gov.uz/uz/document/3345>
2. <https://wttc.org/>
3. <https://www.iccaworld.org/>